

ПЕДАГОГИК БИЛИМ КАСБ МАҲОРАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИДИР

М.А.Нормуродова

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ўқитувчиси

Маълумки, педагогик билимлар педагогик маҳорат, юксак даражадаги касбий маҳоратнинг назарий асоси ҳисобланади.

Педагогикага оид умумий билимлар тизими таълим ва тарбияни ташкил этишнинг қонуниятлари, моҳияти ва тамойиллари, педагогик амалиётнинг асоси, педагогика назариясининг асоси сифатидаги педагогик фактлар ҳақидаги билимларнинг диалектик боғланишидан иборатдир. Ёшларга таълим-тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчиларнинг ғоявий эътиқодига, касб -маҳоратига, истеъдоди ва маданиятига, ҳозирги замон педагогик технологияларини қўллаш, ўқитувчиларни ўзаро фаолликка олиб келишига боғлиқдир.

Педагогикага оид умумий билимлар гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

- педагогиканинг асосий ғоялари, концепциялари, қонуниятларини ва педагогик ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш;
- педагогиканинг энг муҳим назарий ғоялари, асосий категориялари ва тушунчаларини билиш;
- педагогиканинг асосий педагогик фактларни билиш;
- таълим ва тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш.

Биринчи гуруҳ таркибида қуйидаги асосий методологик қоидаларни билиш зарур:

- таълим тарбия мақсадлари, мазмуни ва услублари давлат ва жамият талабларининг, ижтимоий-иқтисодий вазифалар билан белгиланиши;
- педагогик жараённинг изчиллиги;
- педагогик назарияси ва амалиётнинг алоқадорлиги;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадлари, мазмуни, услубий ва шакллариининг муштараклиги;

Иккинчи гуруҳ таркибида таълим ва тарбиянинг қонуниятлари, тамойиллари, мазмуни услублари, педагогика назарий ғоялари, маънавий эстетик усули кабиларни билиш лозим.

Учинчи гуруҳга ҳар қандай педагогик тажриби мазмунининг ажралмас қисмини ташкил этадиган, назария ва амалиёт ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланадиган педагогик фактларни билиш лозим. Таҳлил қилиш, тушуниб

етиш ва умумлаштириш назарияни бойитади ва муҳим бойиган фактлар билан бойиган назария янада ривожланади.

Педагогик билимлар тизимига методологик, назарий ва услубий билимлар киради.

Қайд этилган билим гуруҳлари педагогик маданият асосларининг шаклланиш эҳтиёжини етарли даражада акс эттиради, ушбу таснифга илмий-педагогик билимнинг асосий таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритиш ва методологик, назарий, услубий ҳамда технологик билимларни фарқлаш лозим.

Педагогик билимлар ўқитувчи касбий маҳоратининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражаси, айниқса, унинг педагогик билимлари ҳозирги давр талабларига мос келмаслигини таъкидлайдилар. Педагогик амалиётдаги кўпгина камчиликлар ўқитувчининг назария билан қизиқмаслиги натижасида рўй беради. Ўқитувчилар билан ўтказилган сўхбатлар уларнинг ўз фаолиятларини психологик ва педагогик жиҳатдан асослаб бера олмасликларини кўрсатади. Педагогик билимлар педагогик маданиятнинг муҳим таркибий қисмига айланмоғи даркор, чунки уларсиз педагогик кўникмалар шаклланмайди. Маълумки, билим ва кўникмалар ўртасида диалектик боғланиш мавжуд. Кўникмалар замирида билимлар ётади, лекин кўникмалар тақлид қилиш, ўрганиш механизми асосида, лозим даражада тушуниб етмасдан шаклланиши ҳам мумкин. Бошқа томондан кўникмалар билим манбаи ҳисобланади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларини мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интелфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув -тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Шуни айтиш керакки, инсоннинг манавияти унинг ахлоқи, одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Ахлоқ эса ақлий, ҳуқуқий, диний, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ахлоқий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Демак, ахлоқ инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидир. Одоб ва ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Одоб алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Ижодгор педагог талаба ёшларнинг хулқ маданиятини шакллантиришда

маънавий қадриятларнинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Педагог ижодкорлиги натижасида ўқувчи ёшлар аждодлар тарихи, адабиёти, санъати, анъаналари ва урф-одатлари ҳақида чуқур билим олади. Ўқувчиларнинг маънавий меросга бўлган қизиқиши ошади. Дарс жараёнида самимий, соғлом маънавий муҳит яратилади. Маънавий мерос манбааларидан самарали фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг хулқ маданияти камол топади. Ўқувчининг маънавий сифатларини шакллантиришда уларга ўтмиш адабиёти, тарих, миллий урф-одатлар, анъаналар ҳақида билим бериш педагогдан доимо фаоллик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Ўқувчининг маънавий эҳтиёжини қондириш, қизиқишини ўстириш мустақил ишлар, ҳар хил ижодий ишлар орқали амалга оширилади.

Дарс жараёнида яратилган маънавий муҳит талабларида ижодкорлик, эркинлик, фаоллик, тасаввур бойлиги ва билимга бўлган қизиқишни шакллантиради. Дарс жараёнида маънавий меросимиз: ўтмиш алломаларнинг фикр қарашлари, одоб -ахлоқ тўғрисидаги турли ҳикоялар, халқ оғзаки ижодидан турли ривоятлар, мақоллардан фойдаланиш талабага маънавиятимиз хазинаси ҳақида пухта билим олиш, эгалланган билимни намунали намоён этиш, дастур ва дарслик материалларини ҳаётий тажрибидан олинган мисоллар билан мазмунан тўлдириш, руҳий ҳолатлар, тасаввур идрок, ҳиссини баён этиш ҳозиржавоблик, таъсинчанлиги билан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек педагогикаси антологияси Тошкент: Ўқитувчи, 1995.Б.8.
2. Эргашев А.Ҳакимов Р.Достонлар Тошкент: Ўқитувчи.1993.-Б.70.
3. Mo‘tabar Normuradova, Dilnoza Akhmedova (2023, 27 December) JIGSAW STRATEGY TO TEACHING IPER STUDENTS “Solution of social problems in management and economy”.
4. Ahmedova Dilnoza Anvarovna, Normurodova Mutabar Abdullayevna. (2023, 11 November), Language and Instructional Methodology CLIL in Pharmacy Universities. “Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan”
5. XALMURZAYEVNA, Y. S., & ZAIRJANOVICH, Y. S. (2021, January). MODERN TECHNIQUES IN TEACHING LISTENING. In Archive of Conferences (pp. 3-4).